Зонрова Ҳилол — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Зокиров Сулаймон — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Зарипова Хурсан — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Зиляева Ниёзхон — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Зиляева Хабиба — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Зуннунова Наима Ниёзовна — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг катта агрономи.

Ибодов Яхшибой — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози молбоқари.

Ибатулина Роза Валиевна — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бўлимининг бош мутахассиси.

Иброҳимов Ҳамидулла Иброҳимович — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози партия комитетининг секретари.

Эгамбердиев Орзиқул — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз участка мудири.

Избосарова Мауде — Калинин районидаги «Бўзсув» совхози ишчиси.

Илҳомов Неъматилла Абдуллаевич — Тошкент районидаги генерал С. Раҳимов номли колхоз бригада бошлиғи.

Ирисбоев Қулаҳмад Муҳаммадқулович — Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Ирисбоев Ўткур — Тошкент область ипакчилик ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженер-механиги.

Исломов Обид — Калинин районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхози шофери.

Исломов Ҳамиджон — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози бош бухгалтери.

Исмоилов Абдуқул — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Исмоилов Норбой — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси давлат қишлоқ техника назорати инспекциясининг катта инженери.

Исмоилов Собир — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози механизатори.

Исмонлова Аяжон — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми бузоқбоқари.

Исмоилова Ғаним — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз трактористи.

Қодирова Ўлмас — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози аъзоси.

Камолов Саидакбар Камолович — «Ўзсельхозтехника» Тошкент район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Қамбарова Маҳсуба — Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Қорабоева Собура — Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Каримбердиева Фарида — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Каримов Қосим — меҳнаткашлар депутатлари Чиноз район Ислоҳот қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

Каримов Мўмин — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Каримова Нозима — Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози аъзоси.

Каримова Ўктамой — Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги сут соғувчиси.

Қосимов Абдулла — Оҳангарон район суғориш тармоқлари бошқармасининг участка инженер-гидротехниги.

Кенжаев Асад — Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз тракторчиси.

Ким Гю Нам — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози гаражи мудири.

Ким Марта — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Ким Ха Юн — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз участка агрономи.

Ким Александр — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози раисининг ўринбосари.

Ким Алексей — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози бригада бошлиғи.

Ким Валентин Сергеевич — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози тракторчиси.

Ким Геннадий Фёдорович — Юқори Чирчиқ районидаги Йўлдош Охунбобоев номли совхоз ишчиси.

Ким Максим — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози бригада бошлиғи.

Ким Сергей — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози тракторчиси.

Киселев Владимир Ильич — Янгийўл районидаги «Новомихайловка» совхози директори.

Киселева Нэля Дмитриевна — Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасининг инженери.

Климов Владимир Николаевич — Тошкент область боғдорчилик, узумчилик совхозлари трестининг бош зоотехниги.

Климова Зоя Никитична — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув-хўжалиги сут соғувчиси.

Ковалев Дмитрий Васильевич — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженер-механиги.

Кононенко Валентина Ивановна — «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасининг катта инженери.

Котляров Николай Степанович — Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз тракторчиси.

Крутько Прасковья Лаврентьевна — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Қўйбоқова Хайтгул — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози ишчиси.

Кўлдошев Эргаш — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўзсельхозтехника» область ихтисослаштирилган базаси шофери.

Қурбонов Собитхон — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим инспектори.

Куттибоев Бегали — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози мўйнони.

Исмоилова Ғаним — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз трактористи.

Қушбоқова Ўрол — Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Леденев Герман Николаевич — Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасининг ҳайдовчилар группаларга бошлиғи.

Ли Клавдия — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз аъзоси.

Ли Мария — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси.

Лобов Виктор Владимирович — Тошкент область боғдорчилик, узумчилик совхозлари трестининг бош ветеринария врачи.

Мадалиева Умиржон — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози ишчиси.

Мажидов Узоқ — Қуйи Чирчиқ районидаги космонавт Волков номли совхоз бош агрономи.

Маҳонусова Ширвонбу — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Макаримов Алексей Васильевич — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми касаба союз ишчилар комитетининг раиси.

Макарова Ефросинья Михайловна — Тошкент районидаги «Тошкент» совхози сут соғувчиси.

Мамасобиров Каримжон — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози сувчиси.

Маматқулова Рахима — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Маматов Зуфар Эргашевич — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози шофёри.

Маматова Ҳалима — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

Маннабов Абдувахан — Ўзбекистон ССР Госплани бўлими катта иқтисодчиси.

Маркер Мевиде Абдулхановна — Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхоз-завод ишчиси.

Машғулов Ғофир — Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз трактористи.

Машқурова Ҳанзи — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

Мелибоева Рихси — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Мельникова Валентина Матвеевна — Чирчиқ дарёси ўнг соҳилларидаги районлараро каналлар группалари бошқармасининг инженер диспетчери.

Мингбоева Ҳанифа Мингбоева — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Миралиев Зикрулла — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози участка мудири.

Мирҳамедов Ёқуб — Оржоникидзе районидаги «Қизил райр» совхози бригада бошлиғи.

Мирзабоев Олтинбек — Бўка районидаги «Бўка» совхози бўлим бошқарувчиси.

Мирзабоева Ҳалима — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Мирзаев Малик — Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи.

Мирзаев Раббим — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз молбоқари.

Мирзаев Толибжон — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Мирзаева Гулзода — Чиноз районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Мирзалимова Меҳри — Оққўрғон районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Мирсултонова Ҳалима — Ўзбекистон ССР Тайёрлов Министрлиги катта инженери.

Музаффарова Иноят — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Мумбеков Турсунбой — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози гараж мудири.

Мўминова Норбўш — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Мўминова Нори — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози аъзоси.

Мўминова Шаҳодат — Тошкент районидаги генерал С. Раҳимов номли колхоз аъзоси.

Мусаев Мирҳамидулла Расулович — Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасининг катта инженери.

Мустафоев Саидмамут — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

Мухамедиева Розия Ғайнуловна — Бўстонлиқ районидаги Искандар ғалла қабул қилиш пункти мудири.

Навадов Оллаберди — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози звено бошлиғи.

Назарова Чирой — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози ишчиси.

Найментоева Тошбу — Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Номозова Тансиқ — Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Норбоева Ленина Асилбековна — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози сут соғувчиси.

Нортоева Холиса — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

Носиров Жолдосхон — Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз катта чўпони.

Носиров Сабриддин Гаппорович — меҳнаткашлар депутатлари Юқори Чирчиқ район Совети ижроия комитетининг ички ишлар бўлими участка инспектори.

Нишонова Анна Александровна — Калинин районидаги «Бўзсув» совхози ишчиси.

Ниёзова Улуғ — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози ишчиси.

Ниёзова Хури — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Ногай Вера — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Норов Рахмат — «Ҳақиқати Ўзбекистон» республика газетаси редакциясининг масъул секретари.

Нурматов Хасан Имомқулович — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг студенти.

Нурметова Анафия — Бўстонлиқ районидаги «Правда газетасининг 50 йиллиги» совхози бузоқ боқари.

Нуров Яхшибой — Чиноз районидаги «Янгиобод» совхози механизатори.

Орифжонов Аҳмаджон — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози тракторчиси.

Падишев Мустафо Аметович — Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг бригада бошлиғи.

Пайзбеков Қарил — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз бригада бошлиғи.

Пак Екатерина — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Панина Наталья Яковлевна — Калинин районидаги «Ўзбекистон» парранда чиқариш фабрикаси парранда боқари.

Пармонова Ракия — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Пахомов Виктор Фадеевич — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича Оржоникидзе район бош давлат инспектори.

Плягина Прасковья Михайловна — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози сут соғувчиси.

Полстовалова Зоя Николаевна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги Бош бошқарма бошлиғи.

Полякова Надежда Игнатьевна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги Бош бошқармаси бош бухгалтери.

Пугачева Любовь Васильевна — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз сут соғувчиси.

Пўлатова Холба — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Ражабов Собир — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Раҳимбердиева Қумри — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Раҳимова Гадиля Фотиҳовна — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг сут соғувчиси.

Раҳмонов Номоз — суғориш системаси Ўрта Чирчиқ район бошқармаси участка гидротехниги.

Рахматуллаев Исматулла — Калинин районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхози бригада бошлиғи.

Раҳматов Тўхтабой — Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Рихситиллаев Норинбой — Бўстонлиқ райони қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

Розиқов Дадажон — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози бригада бошлиғи.

Рустамов Қамбар — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Рустамова Раҳбар — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Рустамова Сажорат — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Рибалкин Юрий Егорович — Тошкент область суғориш системаси бошқармаси насос станциялари бошқармасининг бошлиғи.

Рязанцева Галина Владимировна — Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз сут соғувчиси.

Садовский Михаил Вячеславович — суғориш системаси Бекобод район бошқармасининг участка гидротехниги.

Содиқова Ойбуви — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Содиқова Саолат — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози сут соғувчиси.

Сандҳўжаев Аҳмад Норҳўжаевич — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз бош инженери.

Саидбоев Саматбой — Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз звено бошлиғи.

Сафаров Турғунбой — Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг студенти.

Сафарова Тошбиби — Тошкент районидаги Ленин номли колхозининг бригада бошлиғи.

Сейсенбоев Жаҳон — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз пахта териш машинасининг механик ҳайдовчиси.

Сиддиқова Санобар — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Смаршевский Альберт Сергеевич — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бўлим бошлиғи.

Суерова Қиздаргул — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Сулаймонова Рохия — Бўка районидаги «Бўка» совхози ишчиси.

Сулаймонов Болта Сулаймонович — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози бош агрономи.

Сулаймонов Пўлат Шокирович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг референти.

Султонов Обид — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети бўлим инспектори.

Султонова Тожи — Тошкент районидаги академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ишчиси.

Тожиев Самиддин — Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи ишчиси.

Тоирова Ҳалима — Калинин районидаги «Москва» колхози сут соғувчиси.

Тоиров Султон — Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси трактористи.

Тангирова Бувимаграм — Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Тарасенко Алексей Григорьевич — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича Янгийўл район Бош давлат инспектори.

Тастанбеков Абдалим — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз бригада бошлиғи.

Тоҳирова Мукамбар — Калинин районидаги «Хасково» совхози ишчиси.

Тошпўлатов Толибжон — Калинин район тайёрлов конторасининг бўлим бошлиғи.

Тилавова Гулнор — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Тиллабеков Раҳмонберди — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз сувчиси.

Толебоева Буйбаша — Юқори Чирчиқ районидаги «Юқори Чирчиқ» совхози ишчиси.

Тотмянина Вера Леонидовна — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози бош зоотехниги.

Тўлаганов Абдуфаттоҳ — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз бош инженери.

Тўлаганов Йўлдош — «Ўзсельхозтехника» Тошкент область бирлашмаси бошқармасининг бош инженери.

Турғунбоев Омонқул — Меҳнаткашлар депутатлари Қуйи Чирчиқ райони ижроия комитети ички ишлар бўлими инспектори.

Турдибоев Саттор — Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз сувчиси.

Турдиқулова Улдан — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Турсунқулова Мукаррам Нишонбоевна — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Турсунов Файзулла Эргашевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги Бош бошқармаси бош агрономи.

Тўхтаев Сайдаз — Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхози аъзоси.

Умақулова Ўлмон — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Умаров Раҳмон — «Ўзсельхозтехника» Оққўрғон район бирлашмаси слесари.

Умарова Малика Раҳимбердиевна — Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг студенти.

Умбетова Гулзейнат — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Умурзоқова Зулайҳо — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Унаров Жўра — Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхози бош агрономи.

Ўринбоева Ўғилой — меҳнаткашлар депутатлари Бўка посёлка Совети ижроия комитетининг секретари.

Усеинов Убайдулла — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози тракторчиси.

Усеинов Эшреф — Ўрта Чирчиқ районидаги «Горняк» богдорчилик, узумчилик совхози бригада бошлиғи.

Усмонов Одилжон Қодирович — «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси бўлим бошлиғи.

Усмонов Ҳамдам — Тошкент районидаги Ленин номли колхоз шофёри.

Усмонова Гулзода — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз аъзоси.

Фозилов Зикир — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози бригада бошлиғи.

Фозилов Рефат Фозилович — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози бўлим бошлиғи.

Файзиев Ирисбек Аширович — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози бош агрономи.

Файзулин Фарит Зубаевич — Тошкент шаҳар ғалла қабул қилиш корхонаси ишчиси.

Фесенко Владимир Самсонович — «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Ҳожиқулов Абдужалол — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхоз раисининг ўринбосари.

Ҳайдарова Бувсалима — Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

Ҳайтбоев Абдуманнон Раимқулович — Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплекси совхози шофёри.

Ҳакимова Венера Қосимовна — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг катта илмий ходими.

Ҳалилов Абдукарим — «Ўзсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмаси бошқарувчисининг ўринбосари.

Халметов Собир — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Ҳамбекова Бўстон — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози ишчиси.

Ҳамдамқулова Мари — Чиноз районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Ҳамиджонов Раҳматжон — Калинин районидаги «Москва» колхози бригада бошлиғи.

Ҳамроев Ором — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз звено бошлиғи.

Ҳасанов Тўра — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз аъзоси.

Ҳасанова Мақсуда — Калинин район теплица қурилиши ва фойдаланиш комбинатининг сабзавотчиси.

Хван Ха Дюн — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози бош зоотехниги.

Хе Владимир — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози устахонаси мудири.

Хидирова Чиннихол — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Хлебникова Ираида Алексеевна — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги техника экинлари ва пилла тайёрлаш бўйича давлат инспектори.

Ҳожиева Байна — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Ҳожиева Мовлуда — Оржоникидзе районидаги Н. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институти тажриба станцияси ишчиси.

Ҳожиева Ниёзхон — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Ҳожимуродов Шукурбек — Калинин районидаги «Бўзсув» совхози бош агрономи.

Ҳожиева Баҳри — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Холбекова Рахима — Чиноз районидаги Бобир номли мактаб ўқувчиси.

Холтаев Исамат — Калинин районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Худойбердиева Парохат — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Ҳўжанова Норбуви — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Ҳусанов Шодмон — Бўка районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Цой Нина — Қуйи Чирчиқ районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Цой Сан Дюн — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг Ленин номли участкаси мудири.

Шайдуллаев Эргаш Илашевич — Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти студенти.

Шамсуддинова Флюра Ғаниятдиновна — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз тракторчиси.

Шаропов Рўзмат — Пискент районидаги «Гулистон» колхози сувчиси.

Шахиев Юсуф — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози бош агрономи.

Шевцова Лилия Михайловна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бошқармаси бош агрономи.

Шералиев Қувоншиқ — «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси катта инженери.

Шералиева Бижамол — Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря» коммунизма» колхози аъзоси.

Шерматова Ўғилой — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози ишчиси.

Шигабутдинова Осиё — Г. С. Зайцев номли пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг Оржоникидзе районидаги эксперименталь хўжалиги сут соғувчиси.

Шойбеков Есен — Чиноз районидаги Жамбул номли совхоз бригада бошлиғи.

Шораҳимова Соима — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

Шосултонова Муҳаббат — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Шохбонова Александра Степановна — Калинин районидаги «Рассвет» совхози чўчқабоқари.

Шукуруллаев Бахтиёр — Тошкент область суғориш системаси бошқармаси бўлим бошлиғи.

Шумилова Тамара Ивановна — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги Давлат дон инспекциясининг катта инспектори.

Эгамбердиев Маъмур — Оҳангарон районидаги Будённий номли совхоз бригада бошлиғи.

Эгамбердиев Раззоқ — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози бригада бошлиғи.

Эгамқулов Сулаймонқул — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхози ишчиси.

Эм Дя Гвон — Янгийўл район суғориш системаси бошқармасининг гидротехниги.

Эргашев Урчивой — Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози сувчиси.

Эрматова Жамила Жумабоевна — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Эшонқулова Насибали Масодиқовна — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Эштоев Илаш — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Эштўхтаров Ҳолёр — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим инструктори.

Йўлдошев Ҳамидулла Лутфуллаевич — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича Тошкент область давлат инспектори.

Йўлдошева Мубораک — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси.

Йўлдошева Муҳайё — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Юсупов Усеин — Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси.

Юсупова Кинаш — Оржоникидзе районидаги Тошкент парранда чиқариш фабрикасининг парранда боқари.

Юсупова Хайри — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Еқубов Жўра — Янгийўл районидаги бош пилла қуритиш идорасининг директори.

Еқубов Жуман — Чиноз районидаги «Янгиобод» совхози сувчиси.

ЖУДА КАТТА ЭЪТИБОР

Чет эл информация агентликлари Тулага «Олтин Юлдуз» медали топширилишига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқига жуда катта эътибор берди. Агентликлар нутқ сўзланаётган пайтидаёқ уни батафсил баён қилиб турди. Нутқ тамом бўлгандан кейин агентликлар унинг муфассал баёнини эълон қилди.

Ғарбдаги информация органлари ўз материалларида Л. И. Брежневнинг халқаро масалалар тўғрисида, айниқса қуролсизланиш проблемалари ҳақида ва «совет хавфи» деб ғарбда тарқатилаётган уйдирмалар тўғрисида айтган гапларига асосий эътиборни қаратди.

Американинг ЮПИ агентлиги Совет Иттифоқи «биринчи бўлиб зарба бериш»» мақсадида қуролланишда устунликка интилаяпти, деган даъволарни совет раҳбари «уйдирма ва тамомила асоссиз даъво» сифатида қаттиқ қоралаганлигини таъкидлади. Агентликнинг уқтиришича, Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг мудофаа соҳасидаги сиёсатига нисбтаан ҳарбий-саноат комплекси доиралари ва сиёсатдон — «қузғунлар»нинг тарқатаётган ёлғон-яшиқ гаплари тўғрисида совет матбуотида чиққан хабарларни ўз нутқида тасдиқлаб ўтди.

АП агентлиги Совет Иттифоқи стратегик қурол-яроғларни чеклаш масаласида даставвал Владивостокдаги аҳдлашувни бажарган ҳолда бу соҳада олға боришга тайёр эканлиги тўғрисида Л. И. Брежневнинг айтган гапларига эътиборни жалб эди. «Совет раҳбари, АҚШнинг янги маъмуриятини ядро қуролини чеклаш тўғрисидаги битимни биринчи навбатда тузишга чақирди», — деб ёзади АП агентлиги.

Ғарбий Германиянинг ДПА агентлиги Л. И. Брежнев нутқининг ташқи сиёсатга доир қисми баёнини «Леонид Брежнев: СССРнинг ҳеч қандай агрессив нияти йўқ» деган сарлавҳа остида тарқатди. Агентлик Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи ҳеч қачон агрессия йўлига кирмайди, бошқа халқларга нисбатан ҳеч қачон қилич кўтармайди, деган сўзларини таъкидлаб ўтди. ДПА агентлиги хабар беради: «Леонид Брежнев стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида Қўшма Штатлар билан иккинчи шартнома тузишдан СССРнинг зўр манфаатдор эканлигини яна уқтириб ўтди. У, шунингдек ГФР билан яхши муносабатларни ривожлантириш керак, деб айтди».

АП агентлиги Л. И. Брежневнинг бошқа сўзларини баён қилиб шундай деб ёзади: «Совет раҳбари Яқин Шарқдаги низони бартараф этишга эришиш мумкин, аммо буни Женева сулҳ конференцияси орқали қилиш кераклигини таъкидлади».

Информация агентликларининг мухбирлари Москвадан юборган хабарларида Л. И. Брежневнинг Тулада ғоят самимий кутиб олинганлигини уқтириб ўтадилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи Прагада, Будапешт, Варшава ва Улан-Баторда зўр эътибор билан тингланди. Болгария радиоси бугун ўзининг ҳамма сўнгги ахборотларини қаҳрамон шаҳарда бўлиб ўтган тантаналар тўғрисидаги хабарлар билан бошлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи ГДР радио ва телевиденнесининг кечки информацион эшиттиришларида асосий ўринни эгаллади. ГДР радиоси Л. И. Брежневнинг бирон-бир мамлакат ҳам инсониятга Совет Иттифоқи қилганидек янги уруш хавфини камайтириш ва шундан кейин уни тамомила тугатишга қаратилган шундай кенг конкрет ва реалистик программа билан мурожаат қилган эмас, деган сўзларини таъкидлаб ўтди.

(ТАСС, 18 январь).

● ПОЙТАХТДАГИ подшипник ремонти заводининг коллективи бу йил кўплаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун иш суръатини тобора оширмоқда. Корхонада ўнлаб ишлаб чиқариш зарбдорлари зиммаларига оширилган шаҳсий мажбуриятларини олиб меҳнат қилишяпти. Суратда: ана шундай илғорлардан — назоратчилар, шаҳар Советининг депутати Светлана Федоренчук ва Собир Раҳимов район Советининг депутати Муяссар Маҳкамова иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

ОЛТМИШ ЙИЛЛИККА БАҒИШЛАБ

ШАҲАР ўлкашунослик музейида очилган экспозиция Советлар ҳокимияти учун курашчилар фаолиятига бағишланди. Ҳужжатлар, фотосуратлар бизни революция ва гражданлар уруши йилларига етаклайди.

Экспозицияда республикамизда босмачи тўдаларига қарши олиб борилган кураш ҳақида ҳам бой материал тўпланган. Айниқса, гражданлар уруши қатнашчилари Т. Қўзиев, В. Ғозиевлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Бу кишилар Бўстонлиқ районининг тоғлиқ қишлоқларида босмачиларга қарши актив кураш олиб боргандар.

О. ЛЕВАК.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
СПОРТ КЛУБИ

ОММАВИЙЛИК ВА ЮКСАК СПОРТ МАҲОРАТИ УЧУН

САҲИФА № 23



Ёш гимнастикачи Ольга Тимофеевانинг номи кейинги йилларда спорт мухлислари орасида кенг ёйилди. «Старт» спорт клуби аъзоси, қобилиятли бу гимнастикачи мана тўрт йилдан бери қизлар ўртасида республика чемпиони деган номга сазовор бўлиб келмоқда. Моҳир спортчи СССР ёшлар терма командаси аъзосидир. Суратда: О. Тимофеева.

Р. Содиқов фотоси.

ЧИМЁН ЧОРЛАЙДИ

ЎТГАН шанба ва якшанба куни Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон, Олмалиқ ва областимизнинг бир қатор шаҳарларида яшовчи юздаб меҳнаткашлар дам олиш кунларини Чимён ҳамда Янгиобод туристик базаларида ўтказишди. Оппоқ поёндоз билан тўшалган қорда чанғи учишиб, бу ернинг тоза ҳавосида мириқиб ҳордиқ чиқаришди.



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари Чимён ва Янгиобод боғларига олиб борадиган йўллар одатдагидан кўра гавжум бўлади. Бу ерга бир марта келган кишининг яна келгиси келади. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, дам олиш кунлари кўнгилли ўтганини, янги меҳнат ҳафтасини яхши кайфият, бардам бўлиб бошлашини айтишади. Отабоболаримиз яхши дам меҳнатга ҳамдам деб бежиз айтишмаган. Чиндан ҳам бир кунлик яхши дам ҳар бир қишга ҳафта давомида унумли меҳнат қилиш, ўқиш ва изланишда яқиндан ёрдам беради. Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Янги-янги дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик базалари ишга тушмоқда.

«Чимён» туристик базаси республикамизнинг энг хушманзара ерларидан бирига жойлашган. Бу ерда йиллнинг ҳамма фаслида кунгилли ва мазмунли дам олиб ҳордиқ чиқариш учун етарли шароит мавжуд. Республика туризм ва экскурсия марказининг совети ташаббуси билан меҳнаткашларнинг дам олишлари учун яхши шароит яратилган. Базада қўшимча осма йўллар очилди. Чанғи мухлислари ана шу йўллар ёрдамида осонгина юқоригликка кўтарила оладилар. Тошкент «Сервис» фирмасининг бу ердаги филиалида минглаб чанғи ва ғаналарни проката олиш мумкин.

Туризм ва экскурсия Тошкент область Совети раисининг ўринбосари Омон Набиев базада айни кунларда амалга оширилаётган ишлар ва келажак режалари ҳақида гапириб, бундай деди:

— Қишки дам олиш мавсумига катта тараддуд кўрилди. Лекин ҳали ҳам бу ердаги шарт-шароитлар дам олувчиларни тўла қаноатлантиряпти, деб айта олмаймиз. Мисол учун, мавжуд коттежлар ишлатилмаяпти, базага келиб дам олувчилар тобора кўпаймоқда. Ҳисоб-китобга кўра шанба ва якшанба кунлари шаҳарликлардан 10 мингта яқин киши дам олмоқда. Биз ана шуларни ҳисобга олиб, Чимён туристик базаси атрофида 9 та ишлатиладиган уйни қуришга киришдик.

Тошкент область пассажирлар ташиш автотрести бошлиғининг ўринбосари Тоир Назаров дам олувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида шанба ва якшанба кунлари Чимён ҳамда Янгиобод туристик базалари, Ангрен шаҳри яқинидаги туристик база билан шаҳарлар оралиғидаги автобуслар сонини бирмунча кўпайтирилишини айтди.

— Қишки мавсум графиги бўйича ҳар куни Шастри бекатидан Чимён томон эрта тонгдан бошлаб ҳар соат да автобус мунтазам қатнаб туради,— деди ўрток Назаров,— албатта, бу график шанба ва якшанба кунлари дам олувчилар талабини қондира олмайди. Шу туфайли ҳам трестимиз коллективи Олой бозори яқинидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги бекати, Фарҳод бозори ёнидан қатновчи иккитадан қўшимча рейслар ташкил этилди. Тоғ этакларига олиб борадиган йўллар қиш ойларида бирмунча оғир бўлганлиги туфайли бу маршрутларга трестимизнинг энг тажрибали шоферларини бириктирганмиз.

Ўтган шанба ва якшанба дам олиш кунларини Чимён бағрида ўтказганлар орасида «Ташсельмаш» заводи, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик комбинати корхоналари ишчи-хизматчиларини, «Ташгипрогор» лойиҳа институти, Ўрта Осиё газ ва нефть илмий-текшириш институти ходимлари, 16-шаҳар касалхонаси шифокорларини учратдик.

— Ҳар йили қишда кўплаб дам олиш кунларимни Чимён бағрида ўтказаман. Мен бу ерга келмасам ҳафта давомида бирор нарсамни йўқотган кишидек бўлиб юраман,— дейди шаҳар 16-касалхонаси ҳамшираси Людмила Светлова. Чанғи учишнинг қандай гашти бор, бунинг устига ҳавосини айтмайсизми!

— Мен ҳам чанғи спорти мухлисиман,— суҳбатга қўшилди «Ташгипрогор» институти инженери Маҳмуд Абдуллаев,— аввалги йиллари бу ерга келишга анча қийналардик. Ҳозирда эса автобуслар мунтазам қатнаб турипти. Кези келганда автотранспорт ходимларига миннатдорчилигимни айтмоқчи эдим.

Чимён бағрида турли ёшдаги ва касбдаги кишиларни учратасиз. Улар бу ерга бир мақсад — дам олиш кунларини хушчақчақ, кўнгилли, мазмунли ўтказиш учун келишган.

Оппоқ қор билан буркалган Чимён қўйнида дам олишнинг ўзгача гашти бор. Чанғи ва ғанада тепаликлардан учиб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгач, бутун ҳордиқнинг ёзилади.

«Ўзбекбирлашув» ва Бўстонлиқ район матлубот жамияти ходимлари ўзларининг кўчма ярмаркалари ва мазали таомлари билан дам олувчилар хизматида бўлишмоқда.

Дам олиш кунларингизни туристик базада ўтказинг. Чимён чорлайди.

А. АЛИМОВ.

Дам олиш кунлари, штатсиз фотомухбиримиз А. Нашханько «Чимён»да бўлиб бир нечта расмлар олиб қайтди. Суратларда: шанба ва якшанба кунларини туристик базада ўтказган бир группа шаҳарликлар ва улар хизматида бўлган бош ошпаз Т. Исаевни кўриб турибсиз.

БИРЛАШМА СПОРТ КЛУБИДА

Республикамизнинг йирик саноат корхоналаридан бўлмиш «Узбексельмаш» физкультура коллективи йилни анча муваффақиятли бошлади. Корхона физкультура ва спортчилари турли спорт секцияларида ўз маҳоратларини ошириш билан бирга машинасозлик ходимлари область касаба союз комитети спартакиадасига тайёргарлик кўрдилар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, коллективнинг мазкур спорт анжуманидаги қатнашуви натижасиз қолмади. Корхонанинг волейбол, баскетбол бўйича эркаклар ва аёллар командалари, эркакларнинг гандбол коллективи учинчи даражали диплом олишга сазовор бўлди.

Футболчилар, оғир атлетикачилар ҳам чакки қатнашмадилар. Ҳозирда корхонада янги физкультура инструктори бўлмиш Г. Чеботарев ташкилий ишларга раҳбарлик қилмоқда. Ишга киришганига бир ойдан ошди. Унинг айтишича, спартакиададан сўнг физкультура коллективи фаолиятида айтарли силжиш бўлмади. Аксинча, баскетбол, волейбол, бокс, кураш, қўл тўпи машғулотлари мунтазам ўтказилмайди. Сирасини айтганда улар умуман ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйдилар. Фақатгина велоспорт, самбо, теннис, оғир атлетика, футбол секциялари ишлаб келаяпти. Бу ерда ҳам А. Джунковский, В. Костерин, В. Водолазов, А. Антонов сингари ўз касбига содиқ тренерлар туфайли секция машғулотлари ўтказилиб келмоқда. А. Антоновнинг уч талабаси эса велоспорт бўйича биринчи разряд нормативларини бажарди.

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида завод физкультура ва оммавий спорт ишларидаги камчиликлар устида жиддий тўхталиб ўтилди. Бунда асосий эътибор ГТО комплексига қаратилди. Бу камчиликларнинг келиб чиқишида асосий сабаб корхонада физкультура ва спортни агитация ва пропаганда қилиш ишлари жуда бўш йўлга қўйилган. Завод қошида унчалик катта бўлмаса-да, лекин барча қулайликларга эга бўлган шинам спорт база бор.

— Тўғри, физкультура ва спортдаги ютуқларимизни ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларимиз билан тенглаштириб бўлмайди,— дейди завод касаба союз комитетининг раиси Д. Муҳиддинов.— Эндиликда асосий эътибор физкультура ва спортни янада ривожлантиришга қаратилиши шубҳасиз. Бу ишда албатта физкультура советининг янги сайланган состави алоҳида жонбозлик кўрсатиши зарур.

Корхона ишчи ва хизматчиларининг бутун мамлакатга ёйилган меҳнат довруглари ёнига спортда эришаётган ютуқлари ҳақидаги довруг ҳам қўшилиши учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Б. МУМИНОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

ГРУЗИЯ ССР ЦИРК САНЪАТИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ГРУЗИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ, АЛЕКСАНДР МЧЕДЛИШВИЛИ:
АДЖАРИЯ АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ЛЮДМИЛА ЛАЛАШВИЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист ГАМЛЕТ НАТРАШВИЛИ ва комик-пародист БЕСИК КАЛАМАШВИЛИЛАР доимо манежда.

Коллективнинг бадиий раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ.

Томошалар ҳар куни 19.30 да, шанба кунлари — 15.00, 19.30 да, якшанба кунлари — 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАЙДИ.
Касса 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар олиш учун телефон 44-55-91.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

БОКСЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

ЛЕНИНГРАДДА бокс бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Бунда совет спортчилари билан бир қаторда Румния, Чехословакия, Финляндия спортчилари ҳам қатнашдилар.

Кўнгилли спорт жамиятлари терма командалари сафида иштирок этган республикамиз вакиллари орасида оғир вазнли Вячеслав Алексеев барча учрашувларда ғолиб келиб, биринчи ўринни олди ва олтин медаль эгаси бўлди. Қуролли Кучлар терма командаси сафида мусобақалашган яна бир вакилимиз Ринат Хайрутдинов эса финалда мағлубиятга учраб, иккинчи ўринни олиб кумуш медаль билан тақдирланди. Олимпия Зокиров бронза медалини қўлга киритди.

ИККИ ҒАЛАБА, ИККИ МАҒЛУБИЯТ

БОКУ шаҳрида қўл тўпи бўйича мамлакат чемпионати биринчи давраси биринчи тур ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон Давлат физкультура институти командаси турнирни ғалаба билан бошлаганини хабар қилган эдик. Иккинчи куни командамиз Тирасполнинг спорт клуби коллективи билан учрашди. Бу баҳсда ҳам тошкентликлар сафида дарвозабон Ш. Исмоилов яхши ўйин кўрсатди. У 4 марта 7 метрли штраф тўпларини қайтариб қолди. Командамиз 31:25 ҳисобида устун келди. Лекин ФИСК учинчи ва тўртинчи ўйинларни бир мунча бўш ўтказди. Асосий ҳужумчи Шевцовнинг бетоб бўлиб қолганлиги командамизга қимматга тушди. Краснодарнинг «Урожай» командасига 19:24 ва Бокунинг «Мехсул» коллективига 26:30 ҳисобида ютқазишди.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

АЕЛЛАР ўртасида қўл тўпи мусобақалари Андижон шаҳрида ўтказилди. Тошкентнинг «Текстильчик» командаси тўрт ўйин ўтказиб, бунинг учтасида ғолиб келди. Гандболчиларимиз Краснодарнинг «Урожай» командасини 21:16, Свердловскнинг «Калининец» вакилларини 18:17 ва Ереванинг ФИСК спортчиларини 29:16 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Минск командасидан 14:18 ҳисобида енгилишди.

Биринчи тур учрашувларидан кейин 6 очко тўплаган тошкентлик спортчилар пешқадамлар сафида боришмоқда.

МИЛЛИОНЕР КОЛХОЗНИНГ ЎГАЙ СОҲАСИ

Область ва республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари йиғилишида Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорларини энг илғорлар қаторида тилга олишади. Бунинг боиси бор. Пахтачиликда механизацияга суянган, илғор тажрибалар асосида иш кўраётган бу хўжаликнинг «оқ олтин» ижодкорлари пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келишмоқда. Ваъдага вафодорлар бу йил ҳам таҳсинга лойиқ иш қилиб, республикада биринчилар қаторида йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. 11 иш кунида йиллик планни дўндирган пахтакорлар ҳосилнинг 96 процентини машиналарда териб олишди. Ҳар гектар ердан 47,6 центнердан хирмон кўтарган бу хўжалик аъзолари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта зафар қучмоқдалар. Область бўйича сут сотиб олишда ҳам бошқа хўжаликлар ўртасида карвонбошилик қилишмоқда. Колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги ҳам тобора яхшиланиб боряпти.

Областда эмас, республикада энг бадавлат хўжаликлардан бири бўлган бу колхознинг номи «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамиятлари йиғилишларида... қолоқлар қаторида тилга олинади. Агар колхоз спорт ишлари ҳақида сўз очиб қолсангиз, хўжалик раҳбарлари лом-мим деёлмай қолишади. Физкультура инструктори штати йўқ. Умуман бу хўжаликда спортга бирон киши ҳам жон қойитмайди деса бўлади.

«Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти раиси Жўра Тўрахонов билан бўлган суҳбатда районда энг қолоқ физкультура коллективлари ҳақида гап кетганда жамият раиси «Октябрь 40 йиллиги» колхози номини тилга олди. Қўлини қаерга узатса қурби етадиган бадавлат бу хўжаликда саломатлик ғарови бўлган жисмоний тарбияга етарли эътибор берилмаётганлиги кишини ачиштиради.

Райондаги «Коммунизм» колхозида ҳам спорт ишлари бамисоли ўгай соҳа. Мана бир неча йилдирки, физкультура инструктори штати бўш етипти. Тўгараклар ташкил этиш, уларга ёшларни жалб қилиш, разрядли спортчилар тайёрлаш ўз ҳолига ташлаб кўйилган. Шунингдек, райондаги Мичурин номли, Карл Маркс номли колхозларда ҳам спорт ишларини кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Ана шу камчиликлар районда физкультура ва спортни тобора оммавийлаштириш, кўплаб разрядлилар, ГТО значкистлари тайёрлаш ишига маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Тўғри, районда қишлоқ спорт жамияти, бир қатор ташкилотчи ва илғор физкультура коллективлари жонбозлиги туфайли кейинги бир йилнинг ўзида спортчилар сони 3535 кишидан 5600 кишига ортди. 14 та биринчи разрядли, 460 та иккинчи ва учинчи разрядли спортчилар тайёрланди. Минглаб ҳар уч кишининг бири шуғулланиши кишини ҳурсанд этади. Разрядли спортчилар тайёрлаш бўйича белгиланган план ҳар соҳада ошириб адо этилди. Колхозда иккита волейбол майдони, битта баскетбол, битта футбол майдони, енгил атлетика сектори мавжуд. Ўтган йили хўжалик раҳбарлари спорт анжомлари сотиб олиш учун минг сўмга яқин маблағ ажратди. Бу колхоз спортчилари район миқёсида ўтказилаётган барча мусобақаларда иштирок этиб, кўпинча совринли ўринларни эгаллашаётганини боиси ҳам шунда эмасмикан. Хасан Хусан Номозов, И. Соатов, Б. Эргашев, Р. Мусурмонов сингари полвонлар колхоз спорт шуҳратини турли мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Ильич номли колхозда ҳам спортга катта эътибор берилмоқда. Яқинда колхоз партия ташкилоти ўз йиғилишида физкультура коллективи ишини муҳокама қилиб, уни янада яхшилаш тадбирларини белгилаб берди.

Районда физкультура ва спортни оммавийлаштиришда пенсионер шахматчи Иван Кулешов, футбол бўйича жамоатчи тренер, ошпаз Қаҳҳор Назаров, енгил атлетика бўйича жамоатчи тренер Иван Найденов, 4-кўчма механизациялашган колонна инженери Флора Маҳмудова сингари ташаббускорларнинг хизмати катта бўляпти.

Бўка райони спортчилари область ва республика қишлоқ спортчилари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда кўнгилли натижаларни қўлга киритяпти, деб бўлмайди. Бунга энг аввало юқорида номлари тилга олинган «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», Карл Маркс номли, Мичурин номли хўжаликларда спорт ишларининг оқсаши сабабдир. Агар мана шу хўжаликларда ҳам спорт ишларига эътибор кучайтирилса, янги-янги спорт комплекслари бунёд этилиб, қанчалик кўплаб разрядли ва моҳир спортчилар тарбияланса, районда физкультура ва спорт ишлари шунчалик кенг қулоч ёзган бўлар эди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 21 январь куни ўтказилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 11.15 — **Узоқ шимолдаги саргузаштлар.** (бадиий фильм, 4-серия). 12.00 — Бизнинг биография. 1927 йил. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — **Н. А. Некрасов.** «Хатлар, эсдаликлар, шеърлар». 16.30 — Совет қонунчилиги асослари. 17.00 — **Китоб, давр, китобхон.** 17.30 — **«Шахмат мактаби».** 18.00 — Сўз олимларга. 18.15 — Горичилар, қаердасиз? 19.00 — **Янгиликлар.** 19.30 — **Милионлар ленинча университети.** 20.00 — Концерт. 20.20 — **Узоқ шимолдаги саргузаштлар** (бадиий фильм (5 ва 6-сериялари). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Ҳужжатли фильмлар. 23.45 — Концерт. 00.10 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — **Кувноқ стартлар.** 14.00 — **Ватангадолар.** (бадиий фильм, 2-серия). 18.30 — «Сув қадри». 19.00 — **Буюк ва қудратли тил.** 19.20 — Ўзбекистон чорвадори. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Ў. Умарбеков. **«Қиёмат қаза».** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Лирик концерт. 22.00 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — **Қизилқум** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.30 — Немис тили. 20.00 — Янги урф-одатлар — турмушга. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.50 — Тарих. 21.30 — Физика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20 да **Чио-Чио-Сан,** 21 да **Оқшуш нўли,** 22 да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20 да **Келинлар кўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20 да **Хотинимнинг эри,** 21 да **Хонума хоним,** 22 да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20 да **Тинмасин соз** (19.00). 21, 22 да **Ишқ қурбонлари**

Кино

Зорро — «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18, 15, 20.30). САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ульзана — «ДРУЖБА» (11, 13, 14.20, 17, 21.00). «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда). НАВОИЙ НОМЛИ, БИЛИМЛАР УЙИ (кундуз ва кечқурун).

Касби репортёр эди — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.30).

Ноҳақ тутқинлик — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

21 да — ОҚҚУШ ҚЎЛИ.
22 да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
23 да КНЯЗЬ ИГОРЬ (12.00), ЖИЗЕЛЬ (1900).
25 да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА (премьера).
26 да СПАРТАК.
27 да РИГОЛЕТТО (СССР халқ артисти Галина Ковалева иштирок этади).
28 да БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
29 да — ТРАВИАТА (СССР халқ артисти Галина Ковалева иштирок этади).
30 да ЗОЛУШКА (12.00), АИДА (19.00).

КУНДУЗГИ СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 12.00 ДА. КЕЧКИЛАРИ ЭСА 19.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун 33-18-47, 33-90-81 телефонлари бўйича заявкалар қабул қилинади.

ГРАЖДАНЛАР ВА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЯНГИЙЎЛ РАЙОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИ ҚОВУНЧИ РАБКООПНИНГ ПРАВЛЕНИЕСИ ТУГАТИЛГАНЛИГИНИ БИЛДИРАДИ

Ҳамма даъволар «Ленинизм» матлубот жамиятида 1 февралгача қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—13032. Ўзбекистон Компартияси МК Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1546. 11